

Андижон давлат университети доценти, филология фанлари доктори

Мазкур мақолада ўзбек жаҳид адабиёти вакилларидан Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон яратган бадиий асарлар XX аср бошларидаги давр воқелигида катта аҳамиятга эга бўлгани ҳақида сўз боради. Чўлпоннинг XX аср ўзбек адабиётида таржима мактабининг асосчиларидан эканлиги, унинг рус, ҳинд, немис, хитой шоирларининг асарлари таржимасини амалга оширганлиги масалалари ёритилади.

Ўзбек таржима мактаби, Чўлпоннинг шеърини таржималари, аслият ва таржима, Пушкин, Блок шеърларининг ўзбек тилига таржимаси, сўзма сўз ва бадиий таржима, билвосита ва бевосита таржима.

## CHOLPON AS A WORLD POETRY TRANSLATOR

**Dildoraxon Zumratbekovna Abdullayeva**

Associate Professor of Andijan State University, Doctor of Philology

### ABSTRACT

This article discusses the importance of the works of art created by Abdulhamid Sulaymon oglu Cholpon, one of the representatives of modern Uzbek literature, in the realities of the early twentieth century. Cholpon is one of the founders of the school of translation in the Uzbek literature of the XX century, he translated works of Russian, Indian, German and Chinese poets.

**Keywords:** Uzbek translation school, Cholpon's poetic translations, originality and translation, Uzbek translation of Pushkin, Blok's poems, literal and literary translation, indirect and indirect translation.

XX асрнинг бошларидаги ўзбек адабиётида шаклий ва мазмуний ўзгаришлар, турли адабий ҳодисаларнинг майдонга келиши кузатилади. Жаҳон адабиёти анъаналарининг ўзига хос шакл ва услубда бўй кўрсатиши, жаҳон адиблари асарларини таржима қилиш ишларининг жадаллашуви, адабий алоқалар ва ижодий таъсир масалаларининг ўрганилиши алоҳида эътиборга лойиқ. Мазкур ишларнинг аввалида Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг

номи туради, албатта. Чўлпон таржимонлик маҳоратининг юксаклиги, жуда кўплаб жаҳон адиблари асарларини таржима қилганлиги жиҳатидан XX аср ўзбек адабиётида бадиий таржима мактабини яратди.

Чўлпоннинг таржимонлик фаолияти тадқиқига доир бир талай ишлар амалга оширилган. Адабиётшунос олимлардан О.Шарафиддинов И.Криловнинг “Бўри ва кўзичок”, Пушкиннинг “Булбул ва гул” асарларининг таржималарига тўхталган [19;93-108], Н.Каримов Чўлпон шеърий таржималарини танланган асарларга киритган бўлса [16], Б.Дўстқораев [2], И.Ҳаққул [13], Д.Қуроновлар [20] ҳам Чўлпон асарлари нашри ва тадқиқи билан шуғулланганлар. Ш.Турдиев ўз мақоласида Чўлпон ва адабий алоқалар масаласини ёритган [18;120-130]. Б.Каримов ишларида Чўлпон ва Тагор масаласига тўхталинган [3,4,5]. Т.Раҳимов, Р.Ўлмасовларнинг илмий тадқиқотларида [9,12] Чўлпон таржимонлик фаолияти яхлит монографик планда ўрганилган. Шу билан боғлиқ масалалар ҳақида ҳам илмий, публицистик мақолалар эълон қилинган[2,5,6,7,11,]. Чўлпоннинг таржима асарларини тадқиқ этишда қиёсий-типологик, тарихий-маданий, герменевтик усуллар қўлланилади.

Чўлпон ижодий меросида адибнинг шарқ, рус, европа ва бошқа халқлар асарларининг ўзбек тилига таржималари катта ҳажми ташкил қилади. Мазкур таржима асарларнинг айримлари ўрганилган бўлса-да, қолганлари яхлит равишда тадқиқ этилмаган. Чўлпоннинг таржимонлик фаолиятини ўрганган Т.Раҳимов бу даврни иккига бўлади: 1. Шаклланиш даври (1919-1929). 2. Навқиронлик даври (1930-1938) [9;11]. Шунингдек шу кунгача мавжуд маълумотларга кўра Чўлпоннинг илк таржимаси рус шоири М.Колцовнинг “Ҳой оч камбағал” шеъри ҳисобланар экан. Бу таржима “Иштирокиюн” газетасининг 1919 йил, 16 ноябрь сонида чоп этилган.

Чўлпоннинг таржимонлик фаолиятининг биринчи даври учун эркин таржима хос хусусият саналади. Кейинги даврда эса у асосан насрий таржималарни амалга оширганлиги алоҳида кўриниб туради. Яна шуниси муҳимки, Чўлпоннинг қатор таржима асарлари қайта-қайта нашр қилинган. Бу даврда ана шу асарларга катта эҳтиёж бўлганлигидан далолат беради.

Қизиқ томони ҳам шундаки, Л.Андреев, И.Франко ҳикоялари, А.Пушкин трагедияси, М.Горкий романлари ва бошқа асарларни то шу кунга қадар

Чўлпондан ўзга киши таржима қилмади. Рус шоирларидан А.Пушкин, А.Блок шеърларининг энг яхши бадиий таржималари ҳам Чўлпон томонидан амалга оширилган. У Пушкиннинг “Булбул ва гул”, “Банди” каби шеърларини маҳорат билан ўзбекчалаштирди. Шунингдек “Дубровский” қиссаси, “Борис Годунов” драмасини ўзбек тилига таржима қилди. Айрим манбалардаги маълумотларга кўра “Поп ва унинг хизматкори Балда ҳақидаги эртак” таржимаси ҳам Чўлпон томонидан амалга оширилган [9;11] дейилган. Бироқ бу эртакни шоир Элбек таржима қилган.

XX аср бошларида рус адабиётидан таржима қилиниши ва ўзбек халқига етказилиши қайсидир маънода сиёсий масала ҳам бўлган. Хусусан рус классиклари ва замонавий шоир, ёзувчиларининг асарлари энг кўп таржима қилинди. Айниқса, 1937 йили А.Пушкин вафотининг 100 йиллиги мамлакатда кенг нишонланадиган бўлди. Ҳукумат томонидан махсус қарор чиқди ҳамда ҳукумат топшириғига кўра бир гуруҳ шоирларга муайян вазифалар юклатилди. Миртемир Пушкин шеърятини, Ҳамид Олимжон «Сув париси» достонини, Ойбек “Евгений Онегин” шеърый романини ҳамда Чўлпон “Дубровский” ва “Борис Годунов” асарини таржима қиладиган бўлдилар. Пушкиннинг “Шоир” ва “Шоирга” шеърлари, “Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак”, “Боқчасарой фонтани” асарлари “Туркистон вилоятининг газети”да ўзбек тилида чоп этилади.

Сана муносабати билан ҳукумат ўзбек шоирларига Тошкентдаги Чимён туманида “Пушкин таржимонлари” учун деб етита ўтов тайёрлаб беради. Ўзбекнинг энг забардаст шоирлари шу ерга йиғиладилар. Илгари бундай катта масъулиятли ишга уринмаган Ойбек Чўлпондан таржима борасида маслаҳат сўрайди. Чўлпон “Евгений Онегин” достонининг илк ўн тўрт мисрали икки бандини 11 ҳижоли вазнда ўзбек тилига таржима қилиб Ойбекка шу тарзда давом эттиришни айтади. Демак, “Евгений Онегин” достонининг таржимаси дунёга келишида ҳам Чўлпоннинг хизмати катта бўлган.

Чўлпон Пушкин шеърятидан “Соловей и роза” (“Булбул ва гул”), “Узник” (“Банди”) каби намуналарни ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилди.

“Соловей и роза”

В безмолвии садов, весной, во мгле ночей,

Поёт над розою восточный соловей.

Булбул ва гул

Баҳор чоғида холи боғда бир зулматли тун эрди,

Ғариб булбул фиғон айлаб, “тулим, раҳм айлагил” дерди [16;328].

Пушкин шеъридаги “роза” сўзи атиргулни билдирса-да, Чўлпон уни гул сўзи билан беради. Чунки “гул ва булбул” шарқ мумтоз лирикасининг анъанавий образлари бўлиб, ошиқ ва маъшуқа рамзини билдирган. Пушкиннинг ўзи ҳам шеъридаги булбул “шарқ булбули” (восточный соловей) эканини таъкидлайди. Шу орқали ҳам шеърнинг шарқона оҳанг ва услубда ёзилгани англашилади. Чўлпон таржимасида эса булбулнинг “шарқ” деган сифатловчиси тушириб қолдирилган, лекин бу таржиманинг мукамал бўлишига дахл қилмайди. Сабаби анъанавий образлар мисолида гап шарқона мотивлар устида бораётгани тушунилади. Яна шуниси борки, шарқ шеъриятида “гул ва булбул” бирикмасида гул биринчи ўринда келади. Демак, тасвир объектида ҳам гул туради. Бироқ Пушкин шеърида эса булбул диққат марказига қўйилган. Бунда булбул ошиқ тимсолини ифодалар экан, Чўлпон ҳам унинг руҳий ҳолатини таъсирчан ифодалашни кўзда тутди. Агар аслиятда “поёт .... соловей” тарзида бўлса, таржимада булбулнинг нима деб фиғон чекаётгани ҳам берилади: “Ғариб булбул фиғон айлаб, “тулим, раҳм айлагил” дерди”. Кейинги бандда гулнинг лоқайд ва бепарволиги тасвирланади:

Но роза милая не чувствует, не внемлет,

И под влюблённый гимн колеблется и дремлет.

Таржима:

Бироқ ул гул қулоқ солмас эди фарёду афғона,

Фақат ором оларди ноладин тўлғона-тўлғона [16;328].

Аслиятда “ёқимли (“мушфик”, “дилрабо”) гул”нинг (“роза милая”) булбул куйига парво қилмаслиги, уни ҳис қилмаслиги ва муҳаббат мадҳиясига тебраниб мудраши айтилади. Чўлпон “милая” сифатловчисини қўлламаган бўлса-да, гулнинг назокатли, карашмали эканини булбулнинг фарёду афғонидан ором олиши тасвири орқали китобхонга етказди. Булбулнинг куйи фарёд, афғон, ноладан иборат бўлса-ю, гул эса бундан ором олса? Бу ўринда Чўлпон таржимасидаги булбулнинг, яъни ошиқ образининг руҳий ҳолати ҳар жиҳатдан мукамал тасвирланган дейиш мумкин.

Кейинги бандда нутқ қаратилган шахс ўзгаради. Совуққон гўзал учун маъкул бўлмас кўшиқ куйламаяпсанми, шоир? Кўзингни оч, нима мақсадда ҳаракат қиляпсан? каби риторик мурожаат кучайтирилади:

Не так ли ты поёш для хладной красоты?

Опомнись, о поет, к чему стремишься ты?

Таржима:

Сени ҳеч севмаган бир гул учун, эй шоирим, сен ҳам

Ёнарсан, ўртанарсан, дод этарсан, тинмайин бир дам [16;328].

Чўлпон таржимасида ҳам аслиятдаги каби ундалма (эй шоир) мавжуд. Гулнинг совуққонлиги сабаби “сени ҳеч севмаган бир гул” бирикмаси орқали ифодаланган. Шу бандда булбулнинг ҳолати шоир билан бир хил экани қиёсланади: Булбул каби сен ҳам ёнасан, ўртанасан, дод этасан.

Шеър хотимасида гулнинг шоирни тингламаслиги, ҳис қилмаслиги ҳамда гуллаб яшнаган пайтда ошиқ чорласа жавоб бермаслиги баён қилинади:

Она не слушает, не чувствует поэта;

Глядишь, она цветёт; взываешь - нет ответа.

Таржимаси:

Қўй энди, беҳуда дод этма, охинг унга етмайди,

Қарайсан, яшнаган бир гул, фақат додингга етмайди [16;328].

Чўлпон таржимасида эса шоирга таскин бериш мазмуни мавжуд. Ошиқ қанчалик дод қилмасин, оҳ тортмасин, гул унга эътибор қаратмайди. Чўлпон буни “додига етмоқ” ибораси билан жуда ўрнида қўллаган ҳамда эмоционал-экспрессив таъсирчанликни янада оширган.

Пушкин мазкур шеърнинг тузилишида ҳам шарқ шеърлятига хос услубни қўллаган. Шеър гарчи рус шеърлятидаги метрик тизимда ёзилган бўлса-да, унинг ҳижолаар сони жиҳатидан аруз тизимига хос. Шу боис ҳам Чўлпон таржима жараёнида аруз вазнига амал қилган.

Ба-ҳор чо-ғи / да хо- ли боғ/-да бир зул- мат-/ ли тун эр-ди,

V - - - V - - - V - - - V - - -

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун

Ға-риб бул-бул/ фи-ғон ай-лаб, /«гу-лим, раҳ-май/-ла-гил» дер-ди.

V - - - V - - - V - - - V - - -

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун

Мафойилун рукни тўлиқ такрорланган бўлиб, у “солим” баҳр ва рукнлар саккиз марта такрорлангани сабабли “мусамман”дир. Демак, шеър арузнинг ҳазажи мусаммани солим баҳрига тўғри келади. Чўлпон шеър таржимасида ҳам мазмунан, ҳам шаклан шарқ шеърлятига хосликни сақлашга тўла муваффақ бўлган. Шаклнинг мазмун билан уйғунлиги эса шеърнинг аслиятдаги каби жаранглашини таъминлаган.

А.Пушкиннинг “Узник” (“Банди”) шеърининг таржимасида ҳам Чўлпоннинг таржимонлик маҳорати яққол кўринади. Шуниси эътиборлики, Пушкин ва Чўлпон шеърлятида образлар, мотивларнинг муштараклиги мавжуд. Рус шоирида бўлгани каби Чўлпон шеърлярида ҳам қуш образи алоҳида ўрин тутади. Бу образ рамзий бўлиб, эрк, озодлик маъносини англатади. “Банди” шеърлядаги тутқун инсон ва бургутнинг тақдирлари бир:

Сижу за решёткой в темнице сырой,  
Вскормлённый в неволе орёл молодой,  
Мой грустный товарищ, махая крылом,  
Кровавую пищу клюёт под окном.

Таржима:

Мен куликда ўстирилган ёш бургут,  
Ўтираман зах зиндонда ноумид.  
Мунгли дўстим теразамнинг остида  
Қанот қоқиб, луқма чўқиш қасдида [16;317].

Табиатда қушлар ичида бургут энг эрксевари ҳисобланади. Унинг ҳаёт тарзи ҳам бошқа қушларникидан фарқ қилади. Маълум бўлишича, бургутлар ўлакка емайди, улар парвоз вақтида ўлжасини тутиб кейин тановул қилади. Бандиликдаги бургут эса парвоз қилолмайди. Чўлпон таржимада бу мазмунни “қанот қоқиб, луқма чўқиш қасдида” каби тасвирлайди.

Чўлпон мазкур шеърни аслиятдаги каби таржима қилган. Фақат айрим ўринларда таржимоннинг ижодий ёндашувини кузатиш мумкин.

Мы волные птицы; пора, брат, пора!

Туда, где за тучей белеет гора,

Туда где синют морские края,

Туда, где гуляем лишь ветер... да я!»

Таржимада:

Эркин қушмиз; фурсат келди, хўп фурсат!

У еркаим, тоғлар бутун зумуррат.

У ергаким, поёни йўқ кўк денгиз,  
Учишамиз, фақат шамол иккимиз!» [16;317]

Аслиятда тутқунликдаги инсон ва банди бургутнинг бирга озодликда парвоз қилиши ифодаланади. “Булутлар ортида оқариб турган тоғлар” таржимада бироз ўзгаришга учраган. Чўлпон тоғли қорларни эмас, яшил (зумуррат) тоғларни “кўришни” истайди. Бу тасвир орқали яшиллик ҳаёт, тириклик белгиси деган сигнал китобхон онгига яхшироқ етиб боради.

Шеърда эрк ва озодлик ғоясини таъкидлашни амалга оширадиган усул, анафора қўлланган. “Туда” (“У ерга”) сўзининг сўнгги банднинг учта мисраси бошида такрор келиши таъкид ва интонацияни кучайтирган. Шунингдек шамолнинг ҳам эрк ва озодлик тимсолини бўлиб келишини кўрамиз.

Маълумки, Европада XIX асрнинг иккинчи ярмида адабиётда, санъатда символизм шаклланган [21;276]. Символизмнинг дастлабки намуналари француз шеърлятида яратилган. Артур Рембо, Пол Верлен, рус шоирларидан А.Блок, А.Белый, В.Брюсов, О.Манделштам, А.Ахматова, М.Цветаева кабилар ҳам шу йўналишда ижод қилдилар. Бироқ совет ҳукумати бундай ижодни қўллаб қувватламади, балки қарши бўлди.

Чўлпон рус символизм йўналиши шоири Александр Блок шеърларидан ҳам таржималар қилади. Б.Рўзимухаммад шундай дейди: “Рус символизми асосчиси А.Блок шеърляти Чўлпон ижодиётига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Гарчанд мазмунда мумтоз шеърятдан ранг олса-да, Чўлпон шаклда Оврўпо шоирлари тажрибаларига таянди. Шоирнинг бу тариқа парвозга шайланиши миллий адабиётимизда катта умид туғдирди” [10;21].

А.Блокнинг “Душа молчит...” шеърининг тузилиши ва мисраларнинг шакллантирилиши таржимада ўзгаришга учраган. Аслиятда шеър ҳажми 8 мисрали икки банддан иборат. Чўлпон эса таржимага биринчи банднигина олган ҳамда ҳар бандини 3 мисрадан қилиб шакллантирган.

Кўнгил жимдур, совуқ кўкда  
Қараб унга ёниб турган  
Ҳануз — холи у юлдузлар!

Бутун атроф ва ҳар ёқда,  
«Нон, олтин!» деб фиғон қилган  
Талашчи, ғалвачи эллар!

У жим, лекин фиғонларга  
Қулоқ берган ва кўз тиккан  
Узоқларга — йироқларга!.. [16;122]

Чўлпоннинг ижодий ёндашуви билан 8 мисрали банд Европа шеърлятидаги терцинага айлантириб таржима қилинган. Таржимадаги қофияланиш тартиби ҳам аслиятдагидан фарқ қилади. Шеър а-б-в; а-б-в; г-б-г шаклида қофияланган.

Таржима ҳам алоҳида санъат, мураккаб ижодий жараён ҳисобланади. Бунда ҳам таржима муайян эҳтиёж асосида амалга ошадик, таржимон таржима орқали ҳам ўз-ўзини намоён қилади. Таржима орқали шоир ўзи айтмоқчи бўлган дардларни, фикрларни ифодалайди. Чўлпоннинг ушбу таржимасида ҳам шу ҳолни кўрамыз. Ғарбнинг босқинчи зўравонларининг “маданият олиб қирамыз” деган иддаолари ортидаги шум ниятлари шеърда ишора орқали берилади:

Бутун атроф ва ҳар ёқда,  
“Нон, олтин!” деб фиғон қилган  
Талашчи, ғалвачи эллар! [16;122]

Чўлпоннинг “Русчадан” тагсарлавҳаси билан бир неча шеърлий таржималари бўлиб, улар ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз. “Одам ва куш” сарлавҳали шеър ҳақида Чўлпоннинг ўзи ҳам бирор маълумот бермаган. Бу шеър 1922 йил, 20 августда Тошкентда таржима қилинган. “Тонг сирлари”га киритилган. Сўнгра “Яна олдим созимни” тўпламида қайта нашр қилинган. Чўлпон асарлари нашрида “номаълум рус шоирининг шеъри” деган изоҳ берилади. Адабиётшунос Ш.Турдиевнинг фикрича, бу шеър А.Блок қаламига мансубдир [18;124]. Лекин А.Блок шеъри эканлиги тўғрисида манба кўрсатилмаган ва бу фикр далилланмаган. Демак, шеър муаллифини аниқлаш кейинги изланишлар олдидаги вазифа бўлиб турибди. Сўз юритаётганимиз шеър таржимаси матни қуйидагича:

Гўзал қушлар! Менинг мунда борлигим,  
Ҳеч сабабсиз кўрқитадир сизларни!  
Сира кўрқманг! Сайрай беринг эркинлаб,  
Кўнглингизда яширин ётган сирларни!

Ҳам далада, ҳам боқчада—тинч бўлинг!  
Тутмоқ учун сизга тузоқ қўймаймен.



Эркинликда эркин бўлиб яшашнинг

Қимматини мен ўзим ҳам биламан!.. [16;123]

Мазкур шеърда ҳам куш эрк, озодлик рамзини ифодалайди. Чўлпон қаламига мансуб шеърларда ҳам, таржималарда ҳам айна ҳолат кузатилади. Шунингдек А.Блок шеърлятида ҳам куш образи алоҳида ўрин эгаллайди. “Одам ва куш” шеърлядаги гоё, образ, хулоса айна вақтда Чўлпоннинг ижтимоий-сиёсий қарашлари билан ҳамоҳанг эди. Шу боис ҳам шоир таржимага киришган дейиш тўғри бўлади.

“Қиш кечалари” шеърининг таржимаси 1922 йил, 29 февралда Чоржўйда ёзилган бўлиб, дастлаб “Адабиёт парчалари”, сўнг “Яна олдим созимни” тўпламлярида чоп этилган. Мазкур шеър муаллифи ҳам номаълум ҳисобланади. Бунда ҳам аслият муаллифининг қарашлари ва таржимоннинг дунёқараши ҳам муштарак нуқтада бирлашади десак хато бўлмайди. Шеърнинг дастлабки қисмида болаларнинг қишда завқу шавқ билан ўйнаши, уйларида иссиқ танчада исиниши, бувиларининг эртақларини эшитишляри айтилади. Кейинги ўринда эса бундай завқу шавқ, иссиқ танча, ота-она қучоғи ҳамма болаларга ҳам насиб қилмаслиги таъкидланади:

Ер юзида жуда кўп

Йўқсил, етим болалар.

Бечоралар нонга ҳам,

Яхшигина тўймайлар.

Баъзиларнинг ёш чоғда

Оналари ўлгандир.

Шундоқ қилиб ёшлиқдан,

Гул юзляри сўлгандир.

Улар учун на танча,

На ўтин бор ва на чўғ.

На чўпчаклар айтгали,

На севгали киши йўқ [16;103].

Бундай болаларни кўрганда уларнинг кўнглини кўтариш кераклиги, ака ёки ука деб меҳр кўрсатиш лозимлиги хулоса қилинади.

Чўлпон таржималари орасида ҳинд адиби Р.Тагор асарляри ҳам алоҳида ўринга эга. “Чироклар”, “Ғафлат”, “Биринчи хат” шеърляри, “Ҳой йўловчи қиз” кўшиғи, “Хайрли қараш” ҳикояси, “Ўроқ ой” асаридан “Қоғоздан қайиқчалар”, “Оқ булутлар билан тўлқунлар”, “Кўнгилчанлик” ҳикоялярини таржима қилган.

Чўлпоннинг “Улуғ ҳиндий”, “Тагор ва тагоршунослик” мақолаларида [17] ҳинд ёзувчиси ва шоири ҳақидаги фикру қарашлари, у ҳақдаги маълумотлар берилди. Адабиётшунос олим Б.Каримов “Икки миллатпарвар” мақоласида жуда ўринли хулосаларни беради: “Чўлпон Тагор ҳақида маълумотлар бериш билангина чекланмади. “Чироклар”, “Ҳой йўловчи қиз!” номли шеърларини рус тили орқали ўзбекчага ўгириб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди. Демак, Тагор асарларининг дастлабки таржимонларидан бири ҳам Чўлпон” [3;37].

“Чироклар” шеърида икки чирок – чинни ва сопол чироклар мажозий образ сифатида намоён бўлади. Уларнинг суҳбатидан чинни чирокнинг манманлиги ва кибрилиги, сопол чирокнинг ўксик эканлиги ҳолатлари инсонга татбиқан олингани англашилади. Чинни чирокнинг “бир айвоннинг токчасида туриши”, сопол чирокнинг эса “ёғларини сўра сўра, деворларга тутунини бурукситиб ура ура”, “қарғаб қарғаб шу кунини”, “бағри эзик” турганлиги орқали икки хил табақа инсонларининг тасвирланаётганини билдиради. Бироқ чинни чирокнинг такаббурлиги охирида ўзига панд беради:

Қарғиш энди қизган чоқда...

Ой кўринди очик ёқда!

Буни кўргач чинни чирок

Лабларини тишлаб қолди.

Кулиб туриб сопол чирок

Синглим, ҳолинг қалай,— деди... [16;190]

Ушбу шеър услуби, образлари жиҳатидан айнан масалдир. Чунки икки чирокнинг шахслантирилиши, инсонга хос хусусиятларнинг нарсага кўчирилиши ва улар орқали чиқарилаётган хулосанинг инсонга қаратилганлиги бундай дейишга асос бўлади. Чўлпон И.Криловнинг масалини таржима қилганини эсга олсак, демак, унда Тагор ижодидаги мажозга асосланган ушбу шеър ҳам қизиқиш уйғотган. Профессор Б.Каримовнинг сўзлари билан айтганда: “Тагор ва Чўлпон мавзусини, бундан ташқари, яна бир жуда муҳим асос бирлаштириб туради. Бу икки шахснинг руҳий яқинлиги. Улар шеърларидаги табиатга ошиқлик, заминга, гулларга, тоғларга мурожаат оҳанглари муштарак эканлиги бунинг далилидир” [3;37].

Р.Тагорнинг “Ҳой йўловчи қиз” шеърининг таржимасида ҳам Чўлпоннинг ўз шеърларига ҳамоҳангликни, образлиликни кузатамиз:

Кўрдим: куз фасли — тонг отар чоғда

Кўрдим: кўкламда — ой ботар чоғда,

Кўрдим: қалбимда — сирлик учмоҳда,

Ҳой, йўловчи қиз! [16;219]

Чўлпон шеърларида ҳам худди Тагор шеърлари каби табиатдаги йил фасллари, гуллар, қушлар, ой, қуёш, денгиз образлари лирик қаҳрамоннинг ҳиссий кечинмаларини ифодалайди. Банднинг даслабки мисралари бошида “кўрдим” сўзининг такрори анафора бўлиб, шоир бу ўринда фаслларнинг кетма-кет келиши, тадрижийликни таъкидламоқда. “К” товушининг аллитерацияси ҳам шеърдаги оҳангдошлик ва мусиқийликни кучайтиради.

Йироқ кўкларга кўзни соламан,

Қўшиқларингни тинглаб қоламан,

Сенинг йўлларингда қурбон бўламан

Ҳой, йўловчи қиз! [16;219]

Юқоридаги шеър банди Чўлпоннинг “Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб”, “Ойдин кечаларда кўкка кўз тикиб” каби мисраларни ёдга солади.

Чўлпоннинг немис шоири Ҳенрих Ҳейнедан шеър намуналари таржима қилингани адабиётшунослар томонидан зикр этилади. “Ҳамма эснаб турди, кулоқ солмади” мисраси билан бошланувчи шеър тўрт мисрадан иборат. Шеърнинг таржимаси ҳақида манбаларда 1927 йилда рус тили орқали таржима қилингани, у шоирнинг “Соз”, “Яна олдим созимни” тўпламларига киритилгани айтиб ўтилади [16;356]. Бироқ бошқа манбаларда, жумладан Л.Азиззода, С.Очил, Б.Рўзимухаммадларнинг мақола ва китобларида Чўлпоннинг немис тилини ўргангани ва таржимани бевосита амалга оширгани ҳақида фикр юритилади [1,8,10]. Бу шеърнинг асл матни қуйидагича:

“Und als ich euch meine Schmerzen geklagt“

Und als ich euch meine Schmerzen geklagt,

Da habt ihr gegaehnt und nichts gesagt;

Doch als ich sie zierlich in Verse gebracht,

Da habt ihr mir grosse Elogen gemacht.

Heinrich Heine, DIE HEIMKUNDE 1823 – 1824, Buch der Lieder

Чўлпон таржимаси:

Ҳамма эснаб турди, кулоқ солмади,

Қайғумни гапириб берган вақтимда.

Мени алқамаган киши қолмади,

Қайғумни назмга терган вақтимда...

1927 йил, март.

Л.Азизоданинг Чўлпон немис тилини ўрганаётган вақти ҳақида куйидагиларни билдирган эди: “1927 йили февраль ойининг бошлари эди. Чўлпон менинг бўлмамага кириб келди. Бир немис итини ҳам эргаштириб олган эди... Шу пайтларда Чўлпон немис тилини жиддий ўқир ва уни ўзлаштириб олишга қаттиқ киришган эди. Кичкинагина бир бўлмасида ҳалиги немис итини сақлаб, унинг билан немисча гаплашарди. Ити Чўлпоннинг гапини тушунар эдими, йўқми – буни аниқ атиш қийин, бироқ Чўлпон сўзлаганда ити унинг юзига тикилиб, гўё тушунгандек бир вазият олиб турарди. Мен Чўлпондан немис тилини ўрганишга бундай қаттиқ берилишининг сабабини сўраганимда, у бундай жавоб берган эди: “Бизнинг Туркистон ва Бухородан Берлинга ўқишга юборилган талабаларимиз мана шу йилларда битириб Ўзбекистонга келадилар. Биз совет мамлакатада тарбия олаётганлар Берлинда ўқиб келаётганлардан ҳеч бир ёқдан кам эмасмиз, ижтимоий ва сиёсий масалаларда улардан афзаллигимиз бор. Аммо улар келгунча бизларнинг немис тилини яхши билиб олишимиз зарур. Биз совет олимлари ва шоирларига немис тилини билмаслик, менинг фикримча, уят” [1;67].

Шеърнинг таржима қилинган санаси ва Л.Азизода хотирасидаги Чўлпоннинг немис тилини ўрганаётган вақтини солиштирсак, унинг Х.Ҳейне тўртлигини аслиятдан таржима қилгани ҳақиқатга яқинга ўхшайди. С.Очилнинг куйидаги фикрлари ҳам фикримизини далиллайди: “Чўлпоннинг таржимасини бизда мавжуд рус тилидаги барча таржималари билан солиштириб кўрдик. Бироқ у рус тилидан эмас, балки немис тилидан таржима қилган, деган хулосага келдик. Чунки Чўлпон таржимаси шеър оҳанги, ритми, мазмуни, мисралар руҳи ва бошқа томонлари билан шу даъвомизни тасдиқлайди. Чўлпон фақат қофиялашда эркин иш тутган: абаб” [8,195].

Бундан хулоса шуки, Чўлпоннинг Х.Ҳейне шеърлари таржимаси бўйича тадқиқотлар олиб бориш, қиёсий адабиётшунослик бўйича ишларни амалга ошириш зарур ҳисобланади.

Чўлпон хитой шоирлари шеърларини рус тили орқали таржима қилган. Булардан Лу Цзи Ваннинг “Олисларга қарайман” ва Вей Ин Юнинг “Ўрдак овози”, “Тоғда тунадим” шеърларидир. Мазкур шеърлар 30 йилларда таржима қилинган ва шоирнинг “Соз” тўпламида нашр этилган. “Олисларга қарайман” шеърда ватанпарварлик руҳи ва чин фукаролик туйғуси сезилиб туради:

Туғилган ерлардан айрилиб

Яшайман шу йироқ «Сан-ба»да.

Бир куни шийпондан қайрилиб

Қарадим: баҳор кўп озода...

Толғали сойларнинг бўйида

Бир таниш кишини кўрмасам,

У олис элимнинг ўйида

Мумкинми ёнмасам, куймасам? [16;271]

Айтиш керакки, таржималарни ҳам Чўлпон ўз эътиқодий қарашлари, руҳий-маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб амалга оширган.

Вей Ин Юнинг “Ўрдак овози” шеърида ҳам лирик қаҳрамоннинг юрти ҳақидаги ўйлари акс этган, юртни “севгили” деб айтилиши, “юралнинг ёниб” “оҳ қачон бўламан ўсган жойларда?” дейилиши ҳам шеърнинг эмоционаллигини орттирган:

Севгили юртимни қолдириб келдим

Йироқда... йироқда... аллақайларда.

Баъзида ўйлайман ёниб юрагим:

— Оҳ, қачон бўламан ўсган жойларда?

“Ху — Ан-Нан” оқшоми...

Куз фасли...

Ёмғир...

Мунғайиб тураман болохонамда.

Тинглайман: учмакда тепамда, томда

Юртимдан келувчи ўрдаклар қур-қур... [16;272]

Шеърда лирик қаҳрамон учун юртидан учиб келган ўрдаклар овози ҳам қадрли. Гарчи шеърда ватанни севиш ҳақида очиқ ошкора сўзу изҳорлар бўлмаса-да, ўз юртини севган, бироқ нима сабабдандир ундан айро тушган қаҳрамоннинг “куз фасли”да, “ёмғир”ли ҳавода, “мунғайиб туриб” “юртидан келувчи ўрдаклар қур қур”ини тинглаши китобхонда маъюслик уйғотади. Бу эса шубҳасиз, ватанни англаш, унинг қадрига етиш ҳиссини ҳам шакллантиради.

XX аср ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпондир. Ўз шеърлари билан янги ўзбек шеърятини янги ўзанларга буриб юборган, ўзбек романчилигида илк дилогия яратган, ўзбек таржима мактабига тамал тоши қўйган, драматик ва публицистик асарлари

билан довруқ қозонган адибнинг ижодий мероси ранг-барангдир. Минг йиллик адабиётимиз тарихида бу серқирра ижод соҳибининг ўрни катта. У яратган адабий мерос улкан бўлиб, унинг бугунги кунда аҳамияти ва қиймати ошса ошмоқдаки, камайгани йўқ. Чўлпон шеърляти миллий адабиётимиз илдизларидан озикланган бўлиб, янги шаклланаётган ўзбек адабиётига ўзига хос услуб, оҳанг бағишлади. Жаҳон шеърлятининг энг илғор тажрибаларига таянган Чўлпон ҳам шаклда, ҳам мазмунда ўзгаришлар қилди. Чўлпон яшаган даврда дунёнинг турли жойларида сиёсий ўзгаришлар, ижтимоий бухронлар, талотўплар рўй бераётган эди. Бундай ўзгаришлар, албатта, адабиётда ҳам ўз аксини топар эди. Туркистонда шаклланган жадидчилик ҳаракатининг ғояларини амалга оширишда сафнинг бошидаги яловбардорлардан бири Чўлпон эди. Халқнинг дарду аламларини, зулм остидаги халқ қисматини, миллатнинг аянчли аҳволини, эрк истагидаги инсонларнинг ҳасратларини баралла куйлади. Эрк ва озодлик ғоялари нафақат ўз шеърляри ва ҳикояларида, балки таржималарда ҳам бўй кўрсатади. Маҳоратли таржимон сифатида ҳам ижод қилган Чўлпон ўз даври муаммоларига ҳамоҳанг келадиган асарларни танлади. Чўлпон амалга оширган таржималарда умуминсоний масалалар илгари сурилган, башариятнинг эртанги куни ҳақида сўз юритилган. Унинг эллиқдан зиёд жаҳон адибларининг юзга яқин асарларини таржима қилиши ўзбек халқини турли халқлар билан боғлаш учун хизмат қилди. Ўз даврида Чўлпон Р.Тагорни “Шарқни Ғарб билан боғловчи олтин кўприк” деб атаган бўлса, бу сифатни унинг ўзига ҳам татбиқ этиш мумкин бўлади.

(Ушбу мақола бажарилиши 2021-2022-йилларга мўлжалланган А-ОТ-2021-57 рақамли “Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси манбаларининг электрон платформаси ва мобил иловасини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида тайёрланган.)

## REFERENCES

1. Азиззода Л. Чўлпон ким эди? // Ёшлиқ, 1988, 10-сон.
2. Дўстқораев Б. “Сийна”ни “сана”га алмаштириб бўлмайди // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004 йил, 24 сентябрь.
3. Карим Б. Янгилашиш соғинчи. – Тошкент: Адабиёт жамғармаси нашр., 2004. – 80 б.
4. Каримов Б. Чўлпон ва танқид. – Тошкент: Адабиёт жамғармаси нашр., 2004. – 84 б.

5. Каримов Б. Тиниклашаётган чўлпоншунослик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2009 йил, 10 апрель;
6. Каримов Н. Чўлпоннинг тиник олами // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2009 йил, 29 июнь;
7. Каримов Б. Абадият йўлига чиққан шоир // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2017 йил, 6 январь.
8. Очил С. Орзулар кўкидаги шафақлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 368 б.
9. Рахимов Т.А. Переводческое мастерство Чулпана [На материале узб. переводов поэтич. и драм. Произведений А.С.Пушкина]. Дисс... канд. фил. наук. – Т., 1993. – 24 с.
10. Рўзимухаммад Б. Чўлпон тонг юлдузи демак. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. 72 б.
11. Содик С., Карим Б. Гўзал Туркистон // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1998 йил, 6 ноябрь;
12. Улмасов Р. Переводческое мастерство Чулпана и проблема преемственности узбекских переводах романа М.Горького “Мать”. АКД. – Т., 1991. 22 с.
13. Чўлпон. Баҳорни соғиндим (Тўпловчи ва сўзбоши муаллифи И.Ҳаққул). – Тошкент: Юлдузча, 1989. – 64 б.
14. Чўлпон. Яна олдим созимни. –Тошкент: Ғ.Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. –576 б.
15. Чўлпон. Гўзал Туркистон (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б. Дўстқораев). –Тошкент: Маънавият, 1997. –128 б.
16. Чўлпон А. Асарлар. 4 жилдлик. 1-ж. – Тошкент: “Академнашр”, 2013. – 384 б.
17. Чўлпон А. Асарлар. 4 жилдлик. 4-ж. – Тошкент: “Академнашр”, 2013. – 384 б.
18. Чўлпоннинг бадий олами. – Тошкент: Фан, 1994. – 132 б.
19. Шарафиддинов О., Чўлпонни англаш. - Тошкент: Ёзувчи, 1994. – 48 б.
20. Куронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 288 б.
21. Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – 400 б.